

## Эронга инсонпарварлик ёрдами

Ислон Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортидан Президентимизнинг алоҳида кўрсатмасига мувофиқ, коронавируснинг олдини олиш чора-тадбирларига кўмаклашиш мақсадида Эрон Ислон Республикасига инсонпарварлик ёрдами юборилди.

Бу ҳақда 2020 йил 12 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойиши имзоланган эди.

— Эрон Ислон Республикаси ҳукумати Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга янги коронавирус "COVID-19" касаллиги тарқалишини бартараф этиш учун зарур бўлган тиббий буюмлар ва воситалар билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан мурожаат қилган эди, — деди Фавқуллода вазиятлар вазирлиги матбуот хизмати ходими Самандар Ҳикматуллаев. — Давлатимиз раҳбарининг топшириғига асосан Эроннинг ушбу мурожаатини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, мазкур инфекцияга қарши курашиш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларни кучайтириш мақсадида стерил тиббий қўлқоплар, химия қилувчи комбинезонлар, махсус тиббий формалар, ниқоблар, дока, спирт, гигиеник геллар ва дори воситалари сингари умумий оғирлиги қарийб етти тоннага яқин бўлган тиббий буюмлар — инсонпарварлик ёрдами юборилди.

Фавқуллода вазиятлар вазирлиги инсонпарварлик юқини шакллантириш ва етказиб бериш учун масъул этиб белгиланган. Юқини кузатиб бориш ва топшириш учун Эронга вазирликнинг икки нафар ҳарбий врачлари — мутахассислар жўнаб кетди.

— Ҳаёт қувончли ва қайгули кунлардан иборат, — деди Эрон Ислон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Ҳамид Наерабади. — Коронавируснинг жаҳон бўйлаб тарқалиши ҳам дунё халқлари учун катта синов. Бу бўҳронли кунларда бир-биримизга ҳамдард, елкадош бўлишимиз керак. Мамлакатларимиз маданиятида умумий йўналишда бор: ҳақиқий дўст бошга оғир кун тушганда, ғаму шодликларда бирга бўлади. Ўзбекистон Республикаси эронликлар бошига ана шундай оғир дамлар келган пайтда биринчилардан бўлиб инсонпарварлик ёрдамини жўнатганидан жуда хурсандимиз. Бу саховатли кўмак Наврўз байрами арафасида бутун эронликлар қалбидан унутилмас бўлиб қолади. Эрон Ислон Республикаси ҳукумати ва халқимиз номидан Ўзбекистон ҳукумати ва дўст, биродар халқига, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга кўрсатилган инсонпарварлик ёрдами учун миннатдорлик билдираимиз. Умид қиламизки, бутун жаҳон аҳли коронавирусни биргаликда енгиб ўтади.

Эронда қолиб кетган 14 нафар юк ташувчи ҳайдовчи, шунингдек, тадбиркорлар, талабалар — жами 31 нафар ватандошимиз олиб келинади. Улар ва самолёт экипажи аъзолари қайтиб келган, белгиланган тартибда малакали шифокорлар, соҳа мутахассислари назорати остида икки ҳафта карантинда сақланади.

Маълумки, Президентимизнинг жорий йил 11 февралдаги Хитой Халқ Республикасига инсонпарварлик ёрдамини юбориш тўғрисидаги фармойишига биноан 12 февралда Хитой Халқ Республикасининг Хубей провинциясига инсонпарварлик ёрдами юборилди. Гуманитар юк таркибиде тиббий йўналишдаги энг зарур маҳсулотлар — бир марталик стерил тиббий қўлқоплар, химия қилувчи комбинезонлар, юз учун филтэрловчи ниқоблар бор эди. Шунингдек, 3 март кунини ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг биродар Хитой халқига дўстона ёрдамнинг иккинчи партияси — "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмиси корхоналари томонидан тайёрланган махсус тиббий кийимлар, тиббий ниқоблар ва тиббий дозалар жўнатилди.

Хуршид ҚОДИРОВ,  
ЎЗА мухбири.

### Тошкент вилояти

Чирчиқ дарёси Бўстонлик томонлардан оқиб келиб, Сирдарёга қуйилади. Мазкур сув ўзани бўйлаб жойлашган туманлар ҳам шу дарёга нисбат бериб номланган. Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, вахиқоят, Қуйи Чирчиқ. Учтинчи туман ўз номига монанд вилоятнинг энг чекка, пастқамроқ ҳудудда жойлашган.



## Илғор усулнинг улкан имкониятлари

биринчи мавсумдаёқ ўз натижаларини берди

Мутахассислар ушбу туманнинг ер ҳолати ҳақида гап кетганида, тушунарлироқ бўлиши учун уни "қозоннинг тапига" қийслашди. Бу — айни ҳақиқат. Бинобарин, қўшни ва атрофдаги туманларнинг ер ости сизот сувлари сизиб келиб, шу ерда тўпланади. Ушбу омиллар боис туман ерлари захкаш. Баъзи ҳудудлардан 1,5-2 метр қавласангиз, чуқур дарров сувга тўлади. Мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиқиб, таҳлил қиладиган бўлсак, шолчилик, балиқчилик соҳалари бирмунча натижа эди. Аммо пахта ва ғалла бўйича муттасил қоқоқлик кузатилади.

Таъкидлашларича, бундан роса 12 йил аввал, аниқроғи, ҳозирги Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарётган Рустам Холматов тумани бошқарган кезлари пахтачиликда илк бор режа адо этилган. Шундан

буён туман қишлоқ ҳўжалигининг қарийб барча соҳаларида депсиниб қолганди. Узоқ танаффусдан сўнг, ўтган йили туман пахтачилик бўйича қалоқликдан илғорликка юз бурди. Режани вилоятда биринчи бўлиб бажариб, шов-шувларга сабаб бўлди.

Гап шундаки, йил бошида вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан тумандаги мавжуд ҳолатга узил-кесил бархам бериш, тармоққа инновацион ғояларни татбиқ этиш бўйича бир қатор истиқболли чора-тадбирлар белгиланган эди. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 декабрда қарори муҳим омил бўлди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, таниқли инвестор, сенатор Муртазо Раҳматов таъсисчилигида ташкил этилган маъсулияти чекланган жамият шаклидаги "ТСТ Agrocluster" замонавий агросаноат кластерига пахтачилик-

ка ихтисослаштирилган фермер ҳўжаликлари ихтиёридаги жами ер майдонлари берилди. Инвестор ҳаракатни, аввало, иш қуролларини созлашдан бошлади. Қисқа фурсатда туманга 70 та юқори унумли ҳайдов, 200 та чоқиқ трактори, 340 та тиркама, 1,5 мингта барана, 45 та мола, 200 та культиватор, 25 та экскаватор, 5 та бульдозер, шунча ер текислаш техникаси, 30 та ОВХ, 16 та ўғит сочувчи агрегат, 25 та пахта териш машинаси ҳамда 35 та ғалла ўриш комбайни сингари замонавий техникалар харид қилинди. Пахта етиштириш учун мўлжалланган 10 минг гектар ер майдонини янги технология асосида экишга тайёрлаб, обитобда чигит қадашда хориждан келтирилган ушбу техника ва агрегатлар қўл келди.

(Давоми 2-саҳифада)

### Сурхондарё вилояти

## Саросимага, ваҳимага тушишга ҳеч қандай асос йўқ

Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов Термиз шаҳри ва туманлардаги марказий деҳқон бозорларида бўлиб, нарх-навони асосиз ошириш ҳолатларига қарши кўрилатган чора-тадбирлар билан танишди.

Мутасадди ташкилотлар раҳбарларига мавжуд бозорлардаги вазиятни жиддий назоратга олиш, нарх-навони асосиз оширишга қарши кескин чоралар кўриш, айрим тадбиркорларнинг вазиятдан фойдаланиб, "бойиб" қолишига йўл қўймайлик тўғрисида тегишли топшириқлар берилди.

Термиз шаҳридаги "Яшил дунё" марказий деҳқон бозорига вилоят ҳокими харидорлар ва сотувчилар билан суҳбатлашди. Ортиқча ваҳимага берилмаслик, нарх-навони асосиз оширмаслик хусусида атрофлича фикр алмашди.

— Коронавирус пандемиясини ортиқча талафотларсиз ўтказиш учун мамлакатимизда барча чоралар кўрилган, — деди Тўра Боболов. — Бу гапларни сизларни шунчаки хотиржам қилиш учун эмас, бор вазиятни яхши билганим учун айтаяпман. Зарур миқдордаги озиқ-овқат, дори-дармон ва бошқа захиралар ғамланган. Вилоятимизда тинч, осуда ҳаёт давом этмоқда. Саросимага тушишга ҳеч қандай ҳожат йўқ. Деҳқон бозорлари ва дўконлар пештахталаридан маҳсулотлар истеъмол меъёридан кўп ҳажмда харид қилинса, нархлар-

нинг ошиб кетишига олиб келади, деган ўй-хаёллар мутлақо ўринсиз. Вилоятдаги бирорта бозор, савдо дўкони, овқатланиш шохобчаси ёпилмайди. Шунингдек, нарх-навони асосиз оширишга ҳам йўл қўйилмайди.

Вилоят ҳокимлиги томонидан бозорлар ва савдо дўконларидаги вазият доимий назоратга олинди. Жойларда солиқ органлари ва прокуратура ҳузуридagi департамент ходимларининг махсус штаби ташкил этилди. Термиз шаҳри ва туманлар марказларида арзонлаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркалари йўлга қўйилмоқда. Бунинг учун воҳада етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари ғамланган.

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,  
ЎЗА мухбири.

### Фарғона вилояти

## Болалар сув ҳақида нималарни билади?

Табиатнинг азиз неъматини бўлган сув ҳақида фикр юритмаган инсон топилмас керак. Чунки сув бор жойда ҳаёт бўлади. "Сувчи" жамоат бирлашмаси томонидан Фарғона вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли Марғилондаги 1-сонли Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан ўтказилган интеллектуал мулоқот мавзусини бежиз "Сув ва она табиат" деб танлашмаган эди. Мавзунини очиб беришда болалар жуда фаоллик кўрсатиш билан бирга, қалбидagi фикрларни ҳам рўёбга чиқардилар.

Сувнинг инсон ҳаётидаги тугган ўрнига болалар жавоб берад экан, сувсиз

ҳаёт умуман бўлмаслигига эътиборларини қаратишди. У инсониятни ҳам, на-

бототни ҳам, ҳайвонотни ҳам, кўйингчи бутун борлиқни яшнатади. Дунёнинг

учдан икки қисми сувдан иборат бўлгани ҳолда, бугунги кунда ичимлик суви муаммоси тобора глобаллашиб бораётгани ҳам бор ҳақиқат. Дунё сувларининг икки фоизга етмайдиган қисмигина ичишга яроқли бўлган чучук сувдан иборат. Бу фактни кўпчилик билмайди. Жойларда тоза ичимлик сувиغا лоқайдлик билан қараш ҳоллари кўпаймоқда.

(Давоми 2-саҳифада)



### ТАШРИФДАН РУҲЛАНИБ

## Дадил олға интиламиз

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 14-15 октябрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зонаси фаолиятини янада ривожлантириш лойиҳалари тақдими билан танишиб, ҳудуд иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича аниқ топшириқлар берган эди. Шундан сўнг ушбу йўналишда кенг қамровли амалий ишлар жадал олиб борилди.

Мурод ДАВЛЕТОВ,

"Ҳазорасп" эркин иқтисодий зонаси дирекцияси Давлат унитар корхонаси директори.

"Ҳазорасп" эркин иқтисодий зонаси учун Ҳазорасп тумани ҳудудидан 325 гектар бўш ер майдони ажратиб берилган эди. Қурилиш ва инфратузилма тармоқлари барпо этиш харажатларини камайтириш мақсадида ЭИЗ корхоналарини биринчи навбатда бўш турган бино ва иншоотлар негизда жойлаштириш бўйича таклифлар ўрганилиб, яна 89 гектар майдон эркин иқтисодий зонага берилди. Натижада эркин иқтисодий зона ҳудуди Боғот, Хива, Урганч туманларидан ажратилган майдонлар ҳисобига кенгайиб, жами 414 гектарга етди. Бугунги кунга келиб "Ҳазорасп" ЭИЗда умумий қиймати 306,3 миллион долларлик 19 лойиҳа бўйича иш олиб борилмоқда. Ўтган давр мобайнида ўндан ортиқ лойиҳа тўлиқ ишга туширилди ва сендвич панеллар, ювиш воситалари, автомобиль радиаторлари, қурилиш материаллари, тайёр трикотаж маҳсулотлари, қуёш батареялари, стерилланган бир марталик тиббиёт қўлқоплари ва пойабзал ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, қиймати 19,5 миллион долларга тенг 5 та лойиҳа жорий йилнинг биринчи ярмида ишга туширилади ва яна 500 дан ортиқ киши доимий иш ўрнига эга бўлади. Тиббиёт тест таъқчалари, машиий техникалар учун электр двигателлар, жомадонлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Шу билан бирга, эркин иқтисодий зонада 9 та истиқболли лойиҳани амалга ошириш бўйича ишлар бошлаб юборилган. Мазкур лойиҳалар амалга оширилиши ҳисобига 1500 га яқин янги иш ўрни яратилади. Эркин иқтисодий зона ҳудудида алоҳида божжона режими, солиқ имтиёзларининг амал қилиши унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириб, тўғридан-тўғри сармояларни жалб қилишда муҳим омил бўлмоқда.

"Develop Textile" МЧЖ шаклидаги хорижий корхона эркин иқтисодий зона ҳудудидаги истиқболли лойиҳалардан биридир. Бугунги кунда лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ қурилиш ишлари якунланган. Кенг, ёрғу чехлар, омборхона ва бошқа қўшимча хоналар барпо этилган. Ишчиларнинг унумли меҳнат қилиши ва дам олиши учун зарур қулайликлар яратилган. Хориждан келтирилган замонавий тикувчилик дастгоҳлари ўрнатилган. Йирик лойиҳани ишга тушириш учун 13,14 миллион доллар маблағ сарфланди. Унинг 4,16 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестиция, 8,98 миллион доллари тижорат банкининг кредит маблағидир.

Давлатимиз раҳбари яқиндаги ташрифи давомида мазкур корхонада ҳам бўлиб, мутахассислар ва тикувчилар билан суҳбатлашди. Ишлаб чиқариш жараёни ва тайёр маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди. Президентимиз бу каби замонавий корхоналарни кўпайтириш орқали пахта хомашёсини тўласинча ўзимизда қайта ишлашни йўлга қўйиш, эндиликда фақат тайёр маҳсулот экспорт қилиш зарурлигини қайд этди. Лойиҳа ишга туширилиши билан 800 га яқин иш ўрни яратилади. Корхона йилига 4 минг тонна ҳар хил турдаги бўялган чоксиз тайёр трикотаж мато, 14 миллион донна трикотаж-тикув маҳсулотлари ишлаб чиқариб, 12 миллион долларлик маҳсулотни Германия, Франция ва Европанинг бошқа давлатларига экспорт қилишни режалаштирган.

"Ҳазорасп" ЭИЗ кенг имкониятлар майдони бўлиб, ҳудудда ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш, янги иш ўринлари ташкил этиш, пировардида аҳолини барқарор даромад манбаи билан таъминлашга хизмат қилади. Бу эса миллий иқтисодиётимиз тараққиёти, юртимиз раванқи, халқимиз фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади. Муҳтарам Президентимизнинг ташрифи кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшиб, янада дадиллик билан олға боришга ундамоқда.




Бу яна минглаб иш ўринлари яратилади, деганидир
Дадил изланишлар самараси шундай

"Қуш уясида кўрганини қилади"
Фарзандлар табиат неъматларини қадрлашни ўргансин.

— Айни пайтда ихтиёризмизда
деҳқончилик учун зарур бўла-
диган барча турдаги қишлоқ
ҳўжалиги техникалари ва меха-
низмлари мавжуд. — дейди "ТСТ
Agrocluster" МЧЖ бош директори
Ўринбосари — Агросервис раҳба-
ри Отабек Одилов. — Уларнинг
умумий сони 2 500 дан ортиқ бў-
либ, аксарияти АҚШ, Германия,
Франция, Жанубий Корея каби
давлатларнинг дунёга машҳур
компаниялари томонидан ишлаб
чиқарилган. Масалан, Франция-
нинг "КЮОН" фирмасидан сотиб
олинган 37 та чигит экиш сьялка-
сини олайлик. Саккиз қаторли
ушбу сьялкалар "ақли агрегат"
ҳисобланади. Иш унумдорли-
ги юқори, энг асосийси, жуда
аниқликда ишлайди. Чигитни
белгиланган оралик ва чуқур-
ликка қадайдди. Шунинг ҳисоби-
га уруғлик чигитни турдошларига
нисбатан 30 фоизгача тежайди.
Германиядан келтирилган галла
экиш сьялкалари ҳам ана шундай
афзалликларга эга.

Таъкидлаш кераки, кластер-
да нафақат экин-тикин юмуш-
лари, балки иш юритиш ҳам
тамомла янги ашқ ва усул-
да ташкил этилди. Яъни пахта
майдонлари 22 та ҳудуд ва 183
та участкага бўлиниб, ҳар бирига
алоҳида етакчи ҳамда ҳисобчи-
лар тайинланди. Асосий эътибор
янги ташкил этилган 5,5 мингдан
зиёд иш ўринларига таклиф
этилган ҳудуд аҳолиси учун му-
носиб меҳнат шартлоқлари яра-
тиш, моддий манфаатдорлигини
ошириш, қисқа қилиб айтганда,
уларни рози қилишга қаратилди.
Масалан, ҳудуд бошлиқларига 5
миллион сўмдан, участка етакчи-
ларига эса 3 миллион сўмдан,
бошқа ишчиларга ҳам меҳнатига
қараб, ўртача 2,1 миллион сўм-
дан иш ҳақлари берилса бошлан-
ди. Натижада иш ишлаб хорижга
кетганлар ҳам қайта келиш, шу
ерда, оиласининг бағрида чет эл-
дагидан кам бўлмаган миқдорда
пул топа бошладилар. Қисқаси,
кластер қишлоқ одамлари ҳаёти-



Илғор усулнинг улкан имкониятлари

биринчи мавсумдаёқ ўз натижаларини берди

га янгилик, рўзгорига барака олиб
кирди. Руҳиятларида эврилиш
ясади.
Кузга келиб, ғалвир сувдан
кўтарилганида, қилинган меҳнат-
лар самараси яратилган пахта
ҳосилида яққол кўринди. Пахта
ийгим-терим мавсумининг би-
ринчи кунидан теримчиларга
ҳар бир килограмм пахта учун
1200 сўмдан ҳақ тўланди. Ҳа-
шарчилар ёпирилиб пахтазорга
чиқдилар. Ҳолбуки, авваллари
мавсумда теримчилар етишмас,
ҳосил четдан келадиган ёллан-
ма ишчилар билан амал-тақал
қилиб йиғиштириб олинар эди.
Айни вақтда пахтазорларга ки-
ритилган 25 та "Case" русумли
юқори унумли пахта териш маши-
наси кундалик натижага алоҳида
суръат бағишлади. Қисқа муддат-
да мўлжалдаги 27 минг тонна
ўрнига 30 минг тоннадан зиёд
ҳосил жамғарилиб, режа ортиги
билан удраланди. Ҳосилнинг 50

фоиздан зиёди техника ёрдами-
да саранжомлаб олинди. Ўртача
ҳосилдорлик эса гектарига 32
центнерни ташкил этди. Мирва-
ли Шербеков, Наимжон Азимов
ҳамда Шавкат Каримов сингари
тажрибали мутахассислар бош
бўлган ҳудудларда эса ушбу кўр-
саткич 35-40 центнерга етказил-
ди. Бу Куйи Чирчиқ шариоитида
рекорд натижа ҳисобланади.
— Чиндан ҳам, биринчи
мавсумдаёқ далаларимизда
ҳосил мўл бўлди, — дейди "ТСТ
Agrocluster" МЧЖ раҳбари Мат-
лубжон Нўмонов. — Кузнинг илиқ
кунларидан самарали фойдала-
ниб, яна 3 минг тонна пахта те-
риб, эл-юрт хирмонига қўшдик.
Пировардида йил якунига кўра,
далада меҳнат қилган ҳар бир
ишчи-хизматчи мўмай даромад
олди.
Мана, сизга янги усул ва илғор
ғояларга асосланган тизим —
кластерга ўтишни афзаллиги!

Мана, қишлоқ ҳўжалигида ишлаб
чиқаришнинг инновацион усули
самараси! Энди уни синашга,
ҳар хил баҳс-мунозараларга асос
қолмади. Шу боис туман ғаллачи-
лигига ажратилган 14 минг 900
гектар, балиқчилик ҳавзалари-
дан иборат 3 минг гектар, хул-
лас, шолчилик ва бошқа аграр
соҳалардан иборат барча тармоқ
кластерга берилди. Шу тариқа
"ТСТ Agrocluster" туман қишлоқ
ҳўжалиги тармоқларининг деярли
барчасини тўлиқ қамраб олган
ҳолда фаолият юритмоқда.
Ижобий натижалар бошқа
жабҳаларда ҳам кўзга ташлан-
моқда. 2020 йил ҳосили учун
Россиядан серҳосил, касаллик
ва зараркунандаларга чидамли
бўлган галла уруғи олиб келиб
экилди. Қўрғончадаги балиқ
етиштириш ҳавзалари ва қайта
ишлаш заводига ҳам иш қизгин.
Кўз нафардан зиёд ишчи-лукмаи
ҳалолни тозалаб, мўзлатишга

кўйишмоқда. Пойтахтдаги 20 дан
зиёд "Тирик балиқ" савдо шохоб-
чаларига узлуксиз парҳез маҳ-
сулот жўнатишмоқда. Бу ердаги
заводга хориждан замонавий тех-
нологик ускуналар олиб келиш,
ҳавзалар бўйида ташкил эти-
лаётган кулай меҳмоннавозлик
шартлоқларига сайёҳларни жалб
этиш бўйича изчил чора-тадбир-
лар кўрилмоқда. Келажакда эса
пахта ва ғаллани чуқур қайта
ишлаш, замонавий чорвачилик
мажмуасини барпо этиш каби
истикболли лойиҳалар турибди.
Кувонарлиси, бугунги кунда
туманда "Tashkent Cotton Textile"
масъулияти чекланган жамаиати-
ни ташкил этиш сайё-ҳаракатла-
ри бошланган. Уч босқичли маз-
кур лойиҳа доирасида кластерда

Сирдарё вилояти

ГУЛИСТОН ШАХРИДАГИ УЛУҒ ЙЎЛ МАҲАЛЛАСИДА
ЯШОВЧИ ОДИЛЖОН ҚУДРАТОВ КЎП ЙИЛ ҲАЙДОВЧИ
БЎЛИБ ИШЛАБ, АВТОБУСДА ОДАМЛАРНИНГ УЗОғИНИ
Яқин қилиб келди. Давлатимиз раҳбари томонидан
тадбиркорларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, уларга
берайлаётган имтиёзлар ОДИЛЖОН ҚУДРАТОВНИ ҲАМ
ИШБИЛАРМОН БЎЛИШГА РЎХЛАНТИРДИ.

Хазина калити
тадбиркорнинг қўлида



Шу мақсадда у ҳовлисида бўйи 15, эни 5 метрлик товухона
қуриб, хонадонда жўжа етиштириб, талабгорлар, парранда
боқишни ният қилган тадбиркорларга етказиб бера бошлади.
"Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида "Микрокредит-
банк"дан берилган 7 фоизлик имтиёзли кредит паррандачилик
фермасини қуриш, жўжаларни сотиб олиб, кўпайтириш ва
реализация қилишида катта мадад бўлди.
— Ёш жўжаларни ёшига қараб, учта хонада боқаман, — дей-
ди тадбиркор. — Бир боқишда 700-1000 бошгача жўжаларни
40 кун парваришлаб, сўнгра талабгорларга етказиб бераман.
Жўжаларни боқиш, озиклантиришда рафиқам ва ўғлим менга
яқиндан ёрдам беради. Айниқса, гўшт йўналишида боқиб, ре-
ализация қилаётган жўжаларимиз бозорда жуда харидоргир.
Ҳар бошини 15 минг сўмдан сотса ҳам бир жараёнининг ўзида
боқилган 1000 бош жўжадан 15 миллион сўм даромад қиламиз.
Бир йилда опти "партия" боқилиб, сотилган жўжаларнинг ўзидан
50-70 миллион сўмгача фойда кўриш мумкин.
Иш биланга минг танга, дейдилар. ОДИЛЖОН ҚУДРАТОВ
каби тадбиркорлик йўлини танлаб, рўзгорини обод этаётган,
бозорларимизда парранда гўшти арзонлигини таъминлаётган
тадбиркорлар жуда кўп. Қимдаки, астойдил иштиёқ, заҳматли
меҳнатдан қочмайдиған ирода ва сабот бўлса, албатта, мақ-
садига етажак.
Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Ўзбекистон
Республикаси
Вазирлар
Маҳкамаси
ҳузуридаги
Агросаноат мажмуи
устидан назорат
қилиш инспекцияси
Самарқанд вилояти
бошқармаси
томонидан Пайриқ
туманида пресс-тур
ўтказилди.



Журналистлар пайариқлик
тадбиркорлар ҳузурида

Унда республика ҳамда маҳаллий оммавий
ахборот воситалари вакиллари, инспекциянинг
Самарқанд вилояти бошқармаси ҳамда туман
ҳокимлиги масъул ходимлари иштирок этишди.
Журналистлар дастлаб туманнинг Аҳмад
Яссавий маҳалласида жойлашган "CNELAK
EKO GAZ" МЧЖга қарашли иссиқхона фао-
лияти билан танишдилар. 2016 йили ташкил
этилган мажмуи маҳсулот аҳоли дастуриниға етказиб
берилиши режалаштирилмоқда.
Шундан сўнг, пресс-тур қатнашчилари Жану-
бий Корея технологияси асосида барпо этилган
гидропоника усулидаги замонавий иссиқхона
фаолияти билан танишишди. Таъкидланишича,
4 гектар майдонда барпо этилган иссиқхона-
нинг лойиҳа қиймати 20 мլрд. сўмни ташкил
этади. Шундан 4 млрд. сўми тадбиркорнинг ўз
маблағи 16 млрд. сўми эса кредит маблағла-
ридан иборат. Иссиқхона тўлиқ Корея техно-
логияси асосида жиҳозланган.
Ҳозирги вақтда замонавий иссиқхонада по-
мидорнинг Япониядан келтирилган, экспортбоп
"Пин Парадайс" нави парваришланмоқда.
Жанубий Кореялик мутахассис Сонг Мион
Ги нинг эътироф этишича, мазкур нав тешпи-
шар ва серҳосиллиги билан ажралиб туради.

Жорий йилда 4 гектар майдондан 800 тоннадан
ортиқ ҳосил йиғиштириб олиш кутилмоқда.
Маҳсулотнинг қарийб барчаси экспорт қили-
нади.
Пресс-тур қатнашчиларининг навбатда-
ги ташифи тумандаги "Sutello" чорвачилик
мажмуасида бўлди. Корхона директори Акбар
Мамазиев журналистларга мажмуада олиб
борилаётган ишлар хусусида батафсил маъ-
лумот берди.
Таъкидландики, "Sutello" чорвачилик комп-
лекси 2017 йили ташкил этилган. Айни кунлар-
да бу ерда Германиядан келтирилган 90 бош
насли қорамол, Янги Зеландиядан келтирил-
ган 20 бош насли эчки парваришланмоқда.
Чорвачилик мажмуада 20 нафардан ортиқ
маҳаллий ёшлар доимий иш билан таъминлан-
ган. Насли қорамолларнинг ҳар биридан бир
кунда ўртача 25-30 литр сут соғиб олинмоқда.
Сут маҳсулотлари мажмуа қошида ташкил
этилган "OZBEGIM AGRO" МЧЖ Ўзбекистон-
Германия қўша корхонаси томонидан қайта
ишланмоқда. Бир ойда 30 тоннадан ортиқ сут
маҳсулотлари қайта ишланиб, 20 турдан зиёд
маҳсулот тайёрланаётган корхонага Германия-
дан 3 млрд. сўмликдан ортиқ асбоб-ускуналар
келтирилиб ўрнатилган.
Абдували ХУДОЁРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи
устидан назорат қилиш инспекцияси
Самарқанд вилояти бошқармаси матбуот
қотиби.

Болалар сув ҳақида
нималарни билади?

(Боши 1-саҳифада)

Ҳозир хонадонларда, кўчаларда
тоза ичимлик суви ортиқча исроф бў-
либ оқиб ётганини кўриб, пинагини
бузмай ўтаётган кишиларни қандай
одамлар тоифасига киритиш мумкин?
Бизнингча, лоқайд одамлар тоифасига
киритиш керак, дейишди болалар. Улар
жамиёт учун зарарли одамлардир. Са-
баби, бундай одамлар ҳеч нарсдан
таъсиранмайди, гайрат кўрсатмайди.
Европа Иттифоқи, Ўзбекистон Рес-
публикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги,
Европа Иттифоқининг Марказий Осие
Минтақавий Экологик Маркази ва унинг
Ўзбекистондаги филиали ҳамда "Сув-
чи" Жамоат Бирлашмаси томонидан
Европа Иттифоқининг "Ўзбекистон-
нинг қишлоқ ҳудудларида сув ресур-
сларини барқарор бошқариш" дасту-
ридан ўрин олган "Ўзбекистонда сув
ва атроф-муҳит масалалари бўйича
хабардорликни ошириш ҳамда ҳам-
корлики ривожлантириш" лойиҳаси
доирасида вилоятлар халқ таълими
бошқармалари меҳрибонлик уйлари
болалари учун интеллектуал мулоқат
ўтказишни йўлга қўйиб, хайрли ишга
қўл урди.
Маргилон шаҳридаги меҳрибонлик
уйи болалари билан жамоат бирлаш-
маси мутахассислари айнан шу мав-
зуда мунозара қилишди.
Ушбу тадбирда лойиҳа мутахас-
сислари интеллектуал мулоқат ишти-
рокчиларига "Ўз сайёраимизни ўзимиз
асрайлик!" ва "Сув—ҳаёт манбаи" мавзу-
лари бўйича тақдимот материалларини
ҳамда "Сув ва экология" масалалари
бўйича видеоролиқларни тақдим қи-
лишди.
"Сувсизликдан қийналаётган бо-
лалар", "Сув мўъжиза", "Сув табиат
хазинаси", "Сув ҳақида маълумот",
"Ўрмонга айланаётган Орол денгизи"
номли видеоролиқлар намойишидан
кейин лойиҳа мутахассисларининг
"Ўз сайёраимизни ўзимиз асрайлик!"



ва "Сув—ҳаёт манбаи" мавзуларида
болалар билан ўтказган мулоқотлари
жуда жонли бўлди. Мулоқотда сувнинг
инсон ҳаётида тугган ўрни, ер юзидаги
умумий сув ресурслари ва ичимлик
суви, ер юзи аҳолисининг ўсиш динами-
каси ва сув билан таъминланганлиги,
минтақамиз ва мамлакатимиздаги сув
ресурслари ҳақида болаларга маълумотлар
берди. Сувнинг ер юзида тақ-
симланиши, дунёнинг сувсизликдан
қийналаётган аҳолиси, сувнинг беҳуда
исроф қилиниши оқибатлари борасида
сўз борди.
Мулоқат якунланган, лойиҳа мута-
хассислари болаларни "Сув ҳақида
нима биласиз" номли интеллектуал
беллашувга жалб этди. Бунинг учун
болалар 5 гуруҳга бўлиниб ва ҳар бир
гуруҳга 5 тадан саволлар тарқатилиб,
уларга ёзма жавоблар бериш кераклиги
тушунтирилди. Ҳар бир тўғри топил-
ган жавоб 10 балл билан баҳолашни
айтиди. Энг кўп балл тўплаган гуруҳ
эсдалик совгалари билан тақдирла-
ниши эълон қилинди. 10 дақиқа да-
вом этган беллашувдан сўнг голиблар
аниқланиб, уларга эсдалик совгалари







Наврўзинг – янги кун, янги давронинг муборак,  
жонажон Ўзбекистоним!

## "ҚўНФИРОТ УН ЗАВОДИ"

акциядорлик жамияти жамоаси

азми қатъий, бағрикенг,  
меҳмондўст юртдошларимизни  
қўнғилларга олам-олам завқу шавқ  
улашиб, кириб келган баҳорнинг  
энг гўзал айёми –

### Наврўз

билан қизгин қутлайди ва  
барчага жонажон юртимизнинг  
янада гуллаб яшнаши, эртанги  
кунимизнинг бундан-да ободлиги  
йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатларида  
муваффақиятлар тилайди.

Ҳамиша юртимиз тинч,  
донимиз мўл,  
ризқимиз бутун бўлсин!



РЕКЛАМА

**JOHN DEERE**

**MONOSEM**

"Монозем" компанияси пахта, мош, маккажухори ва соя уруғларини экиш учун аниқ экадиган сеялкани тақдим этади. Қатор сони: 4, 6, 8 ва 12. Қатор оралиги: 60 см, 76 см, 90 см. Шунингдек экиш пайтида минерал ўғитлар ва гербицидларни қўллаш мумкин.

WWW.LANDTECH.UZ    +[998] 90 325 49 99    +[998] 93 181 11 66    +[998] 78 150 76 66

Маҳсулотлар сертификатланган.    Хизматлар лицензияланган.

**PLANETA  
SERVIS**

## ТРАКТОРВОР.UZ

«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ»  
КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ



(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125  
Маҳсулотлар сертификатланган.

Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш  
йўли билан амалга оширилади.  
Хизматлар лицензияланган.

**GALLA ALTEG**  
АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО

## "ҒАЛЛА-АЛТЕГ"

акциядорлик жамияти жамоаси

ватандошларимизни Наврўз байрами  
билан қутлар экан, барчага энг эзгу  
тилакларини йўллайди. Яхши ниятлар  
ижобат бўладиган қутлуғ кун –

### Наврўзи олам

шуқуҳи дилларингизни  
ҳамиша нурафшон этиб турсин!

Деҳқонларимизнинг ғалла  
хирмонларига барака инаверсин,  
тўкинлик манбаи – ўз донимиз,  
ўз нонимиз ҳамиша мўл бўлсин!



РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОН ХўЖАЛИКЛАРИ, ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



«ЧИРЧИҚ ҚИШЛОҚ ХўЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ» АЖ

Қуйидаги қишлоқ хўжалиги техникалари  
сотилишини маълум қилади:



Манзил: 111714, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Алишер Навоий шоҳ кўчаси 92-уй.

Мурожаат учун телефонлар: (+998 70) 716-21-58, (+998 97) 737-68-15.

e-mail: chzst@mail.ru    Хизматлар лицензияланган.    Маҳсулотлар сертификатланган.

## Qishloq hayoti

Ўзбекистон Республикаси  
Ўқимчи-Ўқимчи газетаси

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор  
вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир – Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:  
Жамшид ХўЖАЕВ,  
Шавкат ҲАМРОЕВ, Шухрат ТЕШАЕВ,  
Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,  
Ақтам ХАЙТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ,  
Маҳмуд ТОИР.

Ҳабиб ТЕМИРОВ – Бош муҳаррир ўринбосари  
Раимкул СУЯРОВ – Бош муҳаррир ўринбосари

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50.  
Аграр масалалар бўлими – 236-26-47.  
Хатлар ва жамоатчилик билан  
алоқалар бўлими – 233-76-78.  
Факс – 233-44-43, 233-09-93.  
Реклама ва эълонлар – 236-26-50, 233-28-04.  
web sayt: www.qishloqhayoti.uz  
e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил  
13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.  
Буюртма Г-325, ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида  
босилди, қоғоз бичими А-2. Манзилимиз: 100000, Тошкент,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Газета таҳририятининг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер  
Марк ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.  
5 131 нусхада чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ – 144  
Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 22.45

ISSN 2010-7021



Навбатчи муҳаррир:  
А.ҲАҚБЕРДИЕВ

Баҳоси келишилган нарҳда. Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6